

Маданият ва санъат ходимлари кун кенг нишонланди



Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан маданият ва санъат соҳасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Қумқўрғон тимани "Тўмарис" тантаналар саройида соҳа ходимлари учун байрам тадбири ўтказилди. Тадбирни туман ҳокими Р.Гаппаров очиб берди ҳамда барча маданият ва санъат ходимларини байрам муносабати билан муборакбод этди. Туман ҳокимлиги томонидан соҳа ходимларига байрам совғалари топширилди. Байрамингиз муборак бўлсин ўз касбининг фидойилари.